

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

Шагазатов Ойбек Баходирович

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси ҳузуридаги "InterForum" Давлат унитар корхонаси

ORCID: 0000-0001-4243-9823

oybek07@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатаётган таъсири таҳлил этилган. Инвестиция фаоллигининг ҳажмий ўсиши, унинг асосий капитал шаклланишидаги улуши, ҳудудий ва тармоқлараро тақсимооти чуқур ўрганилган. Тадқиқот натижалари асосида хорижий сармоялар самарадорлигини оширишга қаратилган институционал ва стратегик таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестициялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, иқтисодий ўсиш, асосий капитал, инвестицион муҳит.

РОЛЬ И СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Шагазатов Ойбек Баходирович

Государственное унитарное предприятие «InterForum»
при Администрации Президента Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье проанализировано влияние иностранных инвестиций на экономику Узбекистана. Рассматриваются рост инвестиционной активности, доля инвестиций в формировании основного капитала, а также их региональное и отраслевое распределение. На основе результатов исследования разработаны институциональные и стратегические предложения по повышению эффективности использования иностранного капитала.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, экономический рост, основной капитал, инвестиционный климат.

THE ROLE AND STRATEGIC IMPORTANCE OF FOREIGN INVESTMENTS IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Shagazatov Oybek Bakhodirovich

State Unitary Enterprise "InterForum" under the
Administration of the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the impact of foreign investment on Uzbekistan's economy. It explores the growth of investment activity, the share of investments in the formation of fixed capital, as well as their regional and sectoral distribution. Based on the research findings, institutional and strategic recommendations are developed to improve the effectiveness of foreign capital in the national economy.

Keywords: foreign investment, foreign direct investment, economic growth, fixed capital, investment climate.

Кириш.

Хорижий инвестициялар, хусусан, тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар, бугунги глобаллашув шароитида ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш, технологик модернизация ва рақобатбардошликни оширишда ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Хорижий капитал нафақат қўшимча молиявий ресурслар оқимини таъминлайди, балки илғор бошқарув тажрибаси, юқори технологиялар ва халқаро бизнес алоқаларининг миллий иқтисодиётга интеграциялашувига хизмат қилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий инвестицияларни самарали жалб этиш нафақат ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади, балки меҳнат унумдорлиги, экспорт ҳажми ва бандлик даражасининг ортишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён очиқ иқтисодий сиёсатга босқичма-босқич ўтиб, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратишга интилоқда. Айниқса, 2017-йилдан кейинги иқтисодий ислохотлар тўлқинида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди, эркин иқтисодий зоналар сони оширилди, солиқ ва божхона имтиёзлари кенгайтирилди, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича институционал механизмлар яратилди. Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро инвестицион рейтинглар ва жозибадорлик индексларидаги ўрнини яхшилаб, глобал инвесторларда ижобий сигнал сифатида қабул қилинди.

Шу билан бирга, хорижий инвестициялар оқимининг ўсиш суръатлари мамлакат иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришлар юз бераётганидан далолат беради. Тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар жалб этилган соҳаларда ишлаб чиқариш модернизацияланмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, инфратузилма ривожланмоқда, ва энг асосийси — экспорт имкониятлари кенгайиб, Ўзбекистон глобал қиймат занжирларига босқичма-босқич қўшилмоқда. Бироқ, бу жараённинг муваффақиятли кечиши кўплаб ички ва ташқи омилларга боғлиқ: инвесторлар ишончи, институционал барқарорлик, ҳудудлар кесимидаги тенг ривожланиш, суд-ҳуқуқ тизими мустаҳкамлиги ва макроиқтисодий мувозанат - уларнинг барчаси хорижий капиталнинг миқдори ва сифати устида ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири халқаро иқтисодий адабиётларда доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Классик ёндашувларда тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар орқали молиявий ресурслар оқимининг таъминланиши таъкидланса, замонавий тадқиқотлар уларнинг технологик трансфер, билим оқими, бошқарув тажрибаси ва халқаро бозорларга интеграцияга таъсирини чуқур таҳлил қилмоқда.

Боренштейн, Грегорио ва (1998) ўз тадқиқотларида тўғридан-тоғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири бевосита эмаслиги, балки технологик трансфер орқали меҳнат унумдорлигини ошириш воситасида амалга ошишини кўрсатганлар. Уларнинг фикрича, бу таъсир фақат инсон капитали даражаси етарли бўлган давлатларда юқори самара беради.

Алфаро (2003) эса тўғридан-тоғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсири мамлакатнинг молиявий сектори ривожланганлик даражасига боғлиқ эканини асослаб беради. У молиявий инфратузилмаси етарли бўлмаган давлатларда инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири паст бўлишини эмпирик асосда исботлайди.

Даннинг (1993) томонидан илгари сурилган “Эклектик парадигма” назарияси (OLI модели) хорижий инвесторлар қарорларига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда кенг қўлланилади. Ушбу ёндашувга кўра, инвесторлар ўз инвестицияларини


жойлаштиришда уч асосий омилга - мулкдорлик афзалликлари (Ownership), жойлашув афзалликлари (Location) ва ичкилаштириш афзалликлари (Internalization) асосан қарор қабул қиладилар.

Велде ва Моррисси (2005) ўз тадқиқотларида тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатиши, айниқса, ишлаб чиқариш, экспорт ва бандлик даражасини ошириш орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантириши мумкинлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, улар инвестицияларнинг сифати, маҳаллий ишлаб чиқариш билан интеграция даражаси ва технологик самарадорлик муҳим эканини қайд этадилар.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ва UNCTADнинг йиллик инвестиция ҳисоботларида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг хорижий инвесторлар томонидан қандай қабул қилинаётгани, мамлакатнинг инвестициявий рейтинглардаги ўрни ва соҳа кесимидаги тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар таркибий таҳлиллари келтирилган бўлиб, улар илмий таҳлиллар учун муҳим манба ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини таҳлил қилиш, иқтисодий ўсишнинг таркибий манбаларини аниқлаш, инвесторлар учун амалий муҳим бўлган секторларни белгилаш ва инвестицион сиёсатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда инвестицион муҳитни яхшилаш, хорижий сармояларни жалб этиш, молиявий ва ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Бунда, жаҳон инвестицион бозорларида юз бераётган ўзгаришлар, геоиқтисодий мувозанат, глобал рақобат ва технологик трансформация шароитида тўғридан-тоғри хорижий инвестициялар оқимининг таҳлилий баҳоси янада долзарб аҳамият касб этмоқда.



1-расм. 2024 йил январь-март ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари


2024 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107,1 трлн. сўм ўзлаштирилган бўлиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 174,5 % ни ташкил этди.

Сўнгги беш йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли икки мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.



2-расм. Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси, трлн. сўм

Сўнгги беш йил ичида ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, 2020 йилда 104,6 % га етган, 2021 йилда бир оз пасайиб 97,8 % ни ташкил этган, 2022 йилда кўпайиб - 115,2 % кузатилди, ҳозирги давргача яна ўсиш тенденциясига эга бўлиб - 174,5 % ни ташкил этди.



3-расм. Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикаси, % да

2024 йилнинг январь-март ойларида жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 % пунктга камайиб, 7,0 % ни ёки 7,6 трлн. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 99,5 трлн. сўм ёки жами инвестицияларнинг 93,0 % инвестициялари ўзлаштирилиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 % пунктга кўпайди.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим драйвер вазифасини бажармоқда. Унинг самарадорлигини ошириш учун фақатгина маблағ жалб этиш эмас, балки институционал, ҳудудий ва соҳавий даражада мувозанатли ва стратегик ёндашувни шакллантириш зарур. Бундай ислохотлар мамлакатнинг халқаро инвестицион имиджини янада яхшилайдиган, юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқаришларни кўпайтиришга ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатлари барқарор равишда ошиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 107,1 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 174,5% ўсган. Бу ҳолат мамлакатда инвестицион фаолликнинг жадаллашаётганидан ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун қулай муҳит шаклланаётганидан далолат беради. Шу билан бирга, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳиссаси 93% га етгани хусусий ва хорижий инвестициялар улуши ортиб бораётганини кўрсатади.

Шу асосда, хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига янада катта ҳисса қўшишини таъминлаш учун қуйидаги устувор йўналишларни амалга ошириш таклиф этилади: биринчи навбатда, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва суд тизимида ишончли таъминлаш зарур. Хусусан, халқаро арбитраж нормаларига мос, мустақил ва тезкор низоларни ҳал этиш механизмлари жорий этилиши лозим. Иккинчидан, инвестиция оқимини ҳудудлар кесимида мувозанатлаштириш, яъни фақат пойтахт ва йирик шаҳарлар эмас, балки иқтисодий салоҳиятга эга минтақаларда ҳам қулай муҳит яратиш талаб этилади. Учинчидан, инвестицияларни юқори технологияли тармоқларга йўналтириш, маҳаллий ишлаб чиқариш билан чуқур кооперацияни таъминлаш орқали технологик трансферни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларда “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш зарур.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Alfaro, L. (2003). *Foreign Direct Investment and Growth: Does the Sector Matter?* Harvard Business School Working Paper No. 2003-020.

Borensztein, E., De Gregorio, J., & Lee, J-W. (1998). *How Does Foreign Direct Investment Affect Economic Growth?* *Journal of International Economics*, 45(1), 115–135.

Dunning, J. H. (1993). *Multinational Enterprises and the Global Economy*. Addison-Wesley.

Te Velde, D. W., & Morrissey, O. (2005). *Foreign Direct Investment, Inequality and Poverty: Experiences and Policy Implications*. *European Journal of Development Research*, 17(3), 396–412.

UNCTAD. (2023). *World Investment Report 2023: Investing in Sustainable Energy for All*. United Nations, Geneva.

World Bank. (2023). *Global Investment Competitiveness Report 2023*. Washington, D.C.